
Данғара туман ҳокимининг 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига табриги.

Ҳурматли матбуотимиз фидойилари!

Авваламбор, Сиз азиз журналистларни, матбаа ва нашриёт, телевидение, радио соҳасининг жонкуяр ижодкорларини, соҳа фахрийларини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан самимий табриклайман.

Ижод аҳли, айниқса, журналистлар рўй бераётган воқеликка теран кўз билан боқиб, уни ўз ҳаёти ва турмуши билан чамбарчас тасаввур этиб фикрлайдиган жонкуяр инсонлар, қалби қайноқ кишилардир.

Яратувчанлик ва фаровонликни ҳар қадамда таъмин этиш учун зарур бўлган давлат бошқаруви ҳамда халқ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни айнан мана шу касб эгаларидаги жонкуярлик ва фидойилик тимсолида кўрамиз десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан.

Ижод ва тафаккурнинг таъсирчан муҳитида шаклланиб, элу халқимизнинг манфаати, келажагини кўзлаб амалга ошириладиган ислохотлар жараёнини ёритишда мухтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилиши зарур. Бу — замон талаби, ислохотларимиз талаби» деган фикрларига монанд фаолият юритмоқдасиз.

Қадрли дўстлар!

Буюк ва муқаддас Ватанимиз — мустақил Ўзбекистон бугун ўз мустақил йўли, ўз сўзи билан дунё ҳамжамияти орасида ўзига хос мустаҳкам нуфуз ҳамда мавқега эга.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда олиб бориладиган одилон ва халқпарвар сиёсатни тарғиб этадиган қалам аҳлининг Ўзбекистон тараққиётидаги улуши салмоқли, шарафли хизматлари эса самимий эҳтиромга лойиқ.

Оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини, уларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янгилаш, техник-технологик жиҳатдан модернизация қилиш, журналист касбининг ижтимоий мақоми, нуфузини кўтариш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий, маънавий рағбатлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилди.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш борасида бугунгача қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳамда уларнинг жамиятимиз ҳаётига изчил татбиқ этиладигани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Айниқса, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида қандай муҳим дастур ва тадбирлар амалга ошириладигани барчага яхши маълум.

Хусусан, "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ва соҳага оид бошқа қонунларнинг қабул қилинганлиги фуқароларимизнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этапти.

Уларнинг орасида анъанавий ахборот воситалари бўлмиш газета-журналлар, теле ва радиоканаллар, интернет журналистикаси миллий ахборот майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб, замон талаблари асосида янгиланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Бу борада сўз кетганда, 2020 йилда туманимиз бош наشري «Данғара» — газетаси журналистларнинг ижод қилиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Мазкур жиҳат аҳолига холис ахборот етказиш каби долзарб ишга юқори сифат ва самара бахш этиши қувонарлидир.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Сўнгги йилларда вилоят оммавий ахборот воситалари турли йўналишларда грантлар ютиб, ўз иқтисодий имкониятларини кенгайтириш билан бирга долзарб мавзу ва масалаларнинг кенг ёритилишига ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирги вақтда вилоятимиз телевидениеси ва газеталари халқимизнинг илмий-маърифий, маънавий-маданий савиясини юксалтириш, мазмунли ҳордиқ чиқаришга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётгани эътиборга лойиқдир.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, соғлом рақобат муҳитини яратиш, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, матбуот минбари орқали барча ижтимоий қатламларнинг фикр ва қарашларини ифода этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларининг фидойилари бўлган, турли долзарб масалаларни қалбидан, юрагидан ўтказиб, бу соҳанинг бошқа тармоқлардан кам бўлмаслиги учун доимо интилиб яшайдиган Сиз — журналистлар бор ҳақиқатни албатта яхши англайсизлар.

Азиз дўстлар!

Ҳар қандай касб эзгуликка хизмат қилар экан, шубҳасиз, халқ назарида улуғвор, жамият ҳаётида қадрлидир. Шу маънода, зиммангиздаги улкан ва заҳматли меҳнатни улуғлаб, шу касбдан қадр ва шараф топиб юргангиз Сизга Яратганнинг иноятидир.

Сиз азизларни касб байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, касбингиздан доимо барака топиб юринг, эл назаридан қолманг, дейман. Оилангиздан фаровонлик, дастурхонингиздан тўкин-сочинлик аримасин.

Барчангизга Ватанимиз равнақини, фарзандлар камолини кўриб яшаш насиб этсин.

Туман ҳокими

Ш.Тожиҳакимов

2020-06-27 14:27:37